

**Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт
воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги
ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Техник регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсонлар ҳаёти ва (ёки) соғлиғи, юридик ва жисмоний шахслар, давлатнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу Техник регламентнинг 1-иловасида келтирилган рўйхатдаги муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарига қўйиладиган хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Мазкур Техник регламент 1-иловага мувофиқ рўйхатда келтирилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган, олиб кириладиган (импорт қилинадиган) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарига ҳамда уларни сақлаш, ташиш ва тамғалаш жараёнларига, транспорт воситаларнинг хавфсизлигига таъсир қиладиган янги ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинадиган тизимлар, компонентлар ва алоҳида техник бирликларга (кейинги ўринларда - компонентлар) ҳам қўлланилади.

Хусусан, мазкур Техник регламент қуйидаги техникаларга нисбатан қўлланилади:

- а) тракторлар (Т ва С тоифалар);
- б) тиркамалар (R тоифа);
- в) алмашадиган тиркама машиналар (S тоифа);
- г) қишлоқ ва ўрмон хўжалигида қўлланиладиган ўзиюрар, осма, ярим осма, тиркама ва ўрнатиладиган машиналар;
- д) боғ-полизчилик ва ўрмончиликда қўлланиладиган механизациялашган кичик механизация воситалари, шу жумладан электрлаштирилганлар;
- е) чорвачилик, паррандачилик ва озуқа тайёрлаш учун машиналар;

4. Ушбу Техник регламент умумий талаблар, шунингдек бошқа умумий ва махсус техник регламентлар билан тартибга солинадиган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарини ишлаб чиқариш, сотиш ва йўқ қилиш жараёнларига нисбатан татбиқ этилмайди.

5. Ушбу Техник регламент мазкур Техник регламент кучга киргунча, олдин фойдаланилган, Ўзбекистон Республикасида фойдаланишда бўлиб турган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарига тааллуқли эмас.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

6. Мазкур Техник регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

идентификация – мувофиқликни баҳолаш мақсадида тақдим этилган техникаларнинг тамғасида кўрсатилган муҳим белгиларга айнан мослигини аниқлаш;

трактор – камида иккита ўқли ва максимал ҳисобий тезлиги камида 6 км/соат бўлган, асосий функцияси унинг тортиш кучидан иборат бўлиб ва қишлоқ ёки ўрмон хўжалиги ишлари учун мўлжалланган маълум бир тақиб ечиладиган қурилмалар (машиналар)ни тортиш, итариш, ташиш ва ҳаракатга келтириш ёки қишлоқ ёки ўрмон хўжалиги тиркамалари ёки қурилмаларини шатакка олиш учун ҳар қандай моторли, ғилдиракли ёки занжирли қишлоқ ёки ўрмон хўжалиги транспорт воситаси, у қишлоқ ёки ўрмон хўжалиги ишларида юкларни ташиш учун мослаштирилиши ва (ёки) бир ёки бир нечта йўловчи ўриндиқлар билан жиҳозланиши мумкин;

тиркама – асосан трактор билан тортиш учун ва асосан юкларни ташиш ёки материалларга ишлов бериш учун мўлжалланган ҳар қандай қишлоқ ёки ўрмон хўжалиги транспорт воситаси ва унда техник рухсат этилган максимал юкланган массанинг ушбу транспорт воситасининг бўш массасига нисбати 3,0 га тенг ёки ундан ошади;

алмашадиган тиркама машиналар – қишлоқ ёки ўрмон хўжалигида ишлатиладиган трактор томонидан шатакка олинadиган, ўзининг функцияларини ўзгартирадиган ёки тўлдирадиган, доимо қурилма билан жиҳозланган ёки материалларга ишлов бериш учун мўлжалланган, ушбу мақсадлар учун зарур бўлган ҳар қандай асбоб-ускуналар ва мосламаларни қабул қилиш, иш пайтида ишлаб чиқарилган ёки зарур бўлган материалларни вақтинча сақлаш учун мўлжалланган лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган юк платформасини ўз ичига олиши мумкин бўлган, шунингдек қуйидаги ҳолатларда, қачон техник жиҳатдан рухсат этилган максимал

юкланган ҳолатидаги массанинг юксиз транспорт воситаси массасига нисбати 3,0 дан кам ташкил этадиган ҳар қандай транспорт воситасини англатади;

транспорт воситаси – ушбу банднинг 3, 4 ва 5 хатбошидаги таърифлардаги ҳар қандай трактор, тиркама ёки алмашадиган тиркама машиналар;

янги транспорт воситаси – олдин ҳеч қачон рўйхатдан ўтмаган ва фойдаланишга киритилмаган транспорт воситаси;

машина - қишлоқ ва ўрмон хўжалигида, чорвачилик ва паррандачиликда озуқа тайёрлаш қўлланиладиган ўзиюрар, осма, ярим осма, тиркама ва ўрнатиладиган машиналар, механизациялашган боғ-полизчилик ва ўрмончиликда қўлланиладиган кичик механизация воситалари, шу жумладан электрлаштирилганлар.

бозорга жойлаштириш – транспорт воситаси, техника, тизим, компонент, алоҳида техник бирикма, детал ёки қурилмани Ўзбекистонда биринчи марта тақдим қилиниши;

ишга тушириш - транспорт воситаси, техника, тизим, компонент, алоҳида техник бирикма, детал ёки қурилмани мақсадга мувофиқ биринчи бор Ўзбекистонда фойдаланилиши;

бозорга тақдим қилиш – ҳар қандай транспорт воситаси, техника, тизим, компонент, алоҳида техник бирикма, детал ёки қурилмани тижорат фаолияти вақтида бозорда тарқатиш ёки фойдаланиш учун етказиб бериш, ҳоҳ бу тўлов эвазига алмаштириш бўлсин ёки беғараз;

гибрид транспорт воситаси – транспорт воситасини ҳаракатга келтириш учун камида иккита турли энергияни айлантириб берувчи ва иккита турли энергия сақлаш тизими (транспорт воситасида) билан жиҳозланган механик транспорт воситаси,

а) сарфланаётган ёқилғи;

б) аккумулятор, конденцатор, маховик/генератор ёки электр энергиясини сақлаш учун бошқа қурилма.

Ушбу таъриф сарфланадиган ёқилғидан фақат электр энергиясини/қувватни йиғиш учун зарядлаш мақсадида энергияни истеъмол қиладиган транспорт воситалари ҳам киради;

- **соф электр транспорт воситаси** – бир ёки бир нечта электр энергиясини сақлаш қурилмалари, бир ёки бир нечта электр энергия

кондиционерлари ва сақланган электр энергиясини ғилдиракларга етказиб берадиган механик энергияга айлантирадиган бир ёки бир нечта электр машиналаридан иборат тизим билан ишлайдиган транспорт воситаси,

икки ёқилғили двигател - дизел ва газсимон ёқилғида бир вақтнинг ўзида ишлашга мўлжалланган двигател, бунда бир турдаги ёқилғининг бошқасига нисбатан истеъмол қилинадиган миқдори двигателнинг иш режими ва турига қараб фарқ қилиши мумкин;

чиқит - ушбу техник регламентнинг техник жиҳатдан тартибга солиш объектларида ўрнатилган двигателлар ишлаганда атроф-муҳитга чиқадиган зарарли моддалар;

зарарли моддалар - ҳаво таркибидаги инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган аралашмалар углерод оксиди, азот диоксиди, азот оксиди, метан, тўйинган алифатик углеводородлар, формалдегид ва дисперс куйиқиш зарралари;

янги ишлаб чиқарилган – ушбу техник регламент кучга киргандан кейин ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилганига уч йилдан ошмаган ҳамда фойдаланишда бўлмаган трактор, тиркама ва компонентлар;

тормоз тизими - тормоз тизимининг бошқарув элементига таъсир қилганда уни тормозлаш учун мўлжалланган транспорт воситаси қисмлари тўплами;

ишлаб чиқарувчи - трактор, тиркама, техника ёки компонентни ишлаб чиқариш ва сотишни амалга оширадиган ҳамда уларнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

импорт қилувчи - тракторлар, тиркамалар ёки компонентларни мамлакатга олиб кириш учун норезидентлар билан ташқи савдо шартномасини тузган ва сотишни амалга оширган ҳамда уларнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги учун жавобгар резидент;

трактор (тиркама) тоифаси - хавфсизлик талабларида талабларни белгилаш мақсадида фойдаланиладиган трактор (тиркама)нинг тавсифи;

тизим - транспорт воситасида бир ёки бир нечта аниқ функцияларни бажариш учун бирлаштирилган ва ушбу Регламент билан қабул қилинган ҳар қандай техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат талабларига амал қилувчи қурилмалар йиғиндиси;

компонент - ушбу Регламент билан қабул қилинган ҳар қандай бошқа техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат

талабларига татбиқ қилинадиган, транспорт воситасининг бир қисми сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган ва транспорт воситасидан мустақил равишда ушбу Регламент билан қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлигини тасдиқлаш мумкин бўлган қурилма, агар бундай ҳужжатлар буни тўғридан-тўғри назарда тутса;

алоҳида техник бирлик - ушбу Регламент билан қабул қилинган ҳар қандай техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат талабларига бўйсунадиган ва транспорт воситасининг бир қисми сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган, фақат бир ёки бир нечта кўрсатилган транспорт воситаларининг турларига нисбатан алоҳида мувофиқлиги тасдиқланиши мумкин бўлган қурилма, агар бундай ҳужжатлар буни тўғридан-тўғри назарда тутса;

трактор, тиркама ёки уларнинг компонентларининг бозорда айланиши - ишлаб чиқарилиши тугагандан кейин трактор, тиркама ёки уларнинг компонентларини ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига (фойдаланувчига) текин ёки тўловли асосда тарқатиш мақсадида ўтказиш жараёнлари;

тракторнинг максимал ҳисобий тезлиги - двигател тирсакли валининг номинал айланишлар частотаси, трансмиссиянинг энг кичик узатиш сони ва сирпаниш бўлмаган ҳолатдаги кўрсаткичлар бўйича ҳисоблаб топилган тезлик;

шиналарнинг айлана радиуси — гилдиракнинг илгариланма тезлигини унинг бурчак тезлигига нисбати;

юкини ўзи тўкувчи тиркама - бир ёки икки томондан ва орқага ёки фақат орқага туширишда платформанинг кўтарилиши ва қиялигини таъминлайдиган механизм билан жиҳозланган тиркама;

тракторнинг тўлиқ (эксплуатация) массаси - тракторнинг иш ҳолатидаги массаси, балласт юкларисиз, шу жумладан ағдаришдан ҳимоя қилиш мосламаси, двигател совутиш тизими суви, мойлаш материаллари, ёқилғи (бак номинал ҳажмининг камида 90 фоизигача тўлдирилган ҳолат), асбоблар ва ҳайдовчи массаси билан;

боғлаш схемаси — ташиш вақтида трактор ёки тиркамани транспорт воситасига юклаш ёки ундан тушириш учун уни юк кўтарувчи қурилма билан боғлаш схемаси;

техник жиҳатдан мақбул тортиш массаси - ишлаб чиқарувчи томонидан трактор тортиб юриши белгилаб қўйилган максимал масса;

тракторнинг техник жиҳатдан мақбул максимал массаси - шиналарнинг юк кўтариш қобилиятига, трактор элементларининг конструктив тавсифларига, белгиланган тавсифлар ва хавфсизлик кўрсаткичларини таъминлаш қобилиятига қараб ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган, тракторнинг максимал массаси. Бунда тракторнинг енг оғир комплектацияли тўлиқ (эксплуатация) массаси, балластнинг номинал массаси ва номинал ижобий юкланиш эътиборга олинган;

тортиш-боғлаш механик қурилмаси (ТБК) - трактор ва тиркамага ёки тиркама машина орасидаги механик алоқани таъминлаш учун уларга ўрнатилган улаш элементлари, қурилма;

ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс - ишлаб чиқарувчи билан тузилган шартнома асосида унинг номидан ўзаро келишилган ҳудудда трактор, тиркама, техника ёки компонентларни жойлаштириш, шунингдек уларнинг хавфсизлик талабларига мос келмаслиги учун жавобгарлик юкланган, давлат томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс.

тиркама шассиси - тиркаманинг бир ёки бир нечта қуйидаги қурилмаларни ўрнатиш учун мўлжалланган таркибий қисми:

платформалар, корпуслар ва бошқа шунга ўхшаш қурилмалар;

технологик ускуналар;

кўтариш (юклаш ва тушириш) ускуналари.

Тиркама шассисига вертикал юкининг бир қисмини тортувчи тракторга ўтказадиган тиркама шассиси (ярим тиркамали шасси) ҳам тегишли;

битта техника – Ўзбекистон Республикасида сериялаб ишлаб чиқариш шароитларида унинг конструкциясига муомалага чиқаришдан олдин якка тартибда ўзгартиришлар киритилган, якка тартибда йиғма комплектдан ишлаб чиқарилган ёки шахсий техник ижод натижаси ҳисобланган техника, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар – ўз эҳтиёжлари учун ёки ўрганиш ва тажриба-конструкторлик учун бир календарь йилида биттадан кўп бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кираётган техника.

кичик тўплам – қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаларининг тоифасига қараб, шу жумладан барча модификациядаги бир

турдаги Ўзбекистон Республикасида бир календар йил давомида ишлаб чиқарилган техникалар сони. Кичик тўпламнинг Т тоифалари учун чегараланган ҳажми – 150 дона, С тоифалари учун учун – 50 дона.

3-боб. Хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий талаблар

7. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, уларнинг компонентлари ва машиналар ушбу техник регламент талабларига мувофиқ бўлса ва ушбу техник регламент талабларининг 4-бобига кўра мувофиқлигини тасдиқлашдан ўтган бўлса муомалага чиқарилади.

8. Ушбу техник регламент талабларига мувофиқлиги тасдиқланмаган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, уларнинг компонентлари ва машиналар бозорда муомалага чиқарилишига йўл қўйилмайди.

9. Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналари (битта техника ёки кичик тўпламдан ташқари) Ўзбекистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитига мос бўлиши керак.

10. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, машиналарида қўлланилаётган кондиционерлар таркибида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатдаги ман қилинган озон бузувчи моддаларни бўлишига йўл қўйилмайди.

11. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, машиналарни, шахсий фойдаланиш учун ишлаб чиқарилганлардан ташқари, олдин фойдаланилган детал ва қисмлардан ишлаб чиқиш таъқиқланади.

2-§. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

12. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва ушбу транспорт воситалари учун лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган тизим, компонент ва алоҳида техник бирликларнинг функционал хавфсизлик, меҳнат хавфсизлиги талаблари ва экологик кўрсаткичлари Техник регламентга **2-иловада келтирилган.**

Ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш жараёнининг барқарорлигини таъминлаш ва ишлаб чиқарилган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаси ёки компонентларнинг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни таъминлайди.

13. Машиналарнинг меҳнат хавфсизлиги, соғлиқ ва хавфсизлик талаблари Техник регламентга **3-иловада** келтирилган.

Машиналарнинг ушбу Техник регламентга мувофиқлиги унинг талабларини бевосита бажариш, Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти, халқаро стандарт, давлатларо стандарт ёки қонунчиликда белгиланган норматив ҳужжатларнинг хавфсизликка доир талабларини бажариш орқали таъминланади.

Ушбу стандартлар талабларини ихтиёрий равишда бажариш машиналарнинг ушбу Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини кўрсатади.

4-боб. Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш)

1-§. Идентификация қилиш

14. Идентификация - сертификатлаштириш учун тақдим қилинган маҳсулотнинг ушбу турдаги маҳсулотга қўйиладиган талабларга (меъёрий ва техник ҳужжатлар, маҳсулот тўғрисидаги маълумотларда) мувофиқлигини белгилаб берувчи тартиб-тамойил тушунилади.

15. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналари, тизимлар, компонентлар ва алоҳида техник бирликларни идентификация қилиш, шунингдек, унинг ушбу Техник регламент талабларига асосан хавфсизлик кўрсаткичларига мувофиқлигини аниқлаш:

а) ишлаб чиқарувчи, сотувчи (етказиб берувчи);

б) аккредитация қилинган сертификатлаштириш органи;

в) давлат назорат органи томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Маҳсулотни идентификациялаш қуйидаги усуллардан бирини ёки бир нечтасини қўлаган ҳолда амалга оширилади:

а) ҳужжатлар бўйича идентификациялаш (фойдаланиш ҳужжатлари ва (ёки) етказиб бериш контрактларида кўрсатилган маҳсулотнинг тури ва русуми, техник тавсифлари маълумотлари билан таққослаш);

б) кўриш усули (техниканинг ташқи кўринишини фойдаланиш ҳужжатларида келтирилган тавсиф билан таққослаш);

в) инструментал усул (техниканинг ўлчамларини ўлчаш ёки уни синовдан ўтказиш натижасида олинган маълумотларни фойдаланиш

хужжатларида кўрсатилган техник тавсифлар билан таққослаш). Агар ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган усулларни қўллаш орқали техникаларни идентификациялаш имкони бўлмаса, инструментал усулдан фойдаланилади.

16. Намуналарни идентификация қилишда:

маҳсулот намуналарини аризада, сертификатлаштириш органи қарорида ва тақдим қилинган ушбу маҳсулотнинг хужжатларида кўрсатилган ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси (ТИФ ТН) тоифаси гуруҳига тегишлилиги;

сертификатлаштириш учун тақдим қилинган маҳсулотнинг ушбу турдаги маҳсулотга қўйиладиган талабларга (меъёрий ва техник хужжатлар, маҳсулот тўғрисидаги маълумотларда) мувофиқлиги;

юқорида кўрсатилган хужжатларда келтирилган маҳсулотларни тўпи ёки танлаб олинган маҳсулотлар товар белгиси бўйича ишлаб чиқарувчининг маҳсулотига тегишлилиги;

маҳсулот намуналаридаги завод тартиб рақамини аризада кўрсатилганига мослиги ўрнатилади.

Идентификация жараёнида шунингдек:

аризада келтирилган маҳсулотни ушбу техник регламент маҳсулот турига тўғри ўтказилганлигини;

маҳсулотни тамғалаш (ёзувлар)ни ушбу техник регламент талабларига мувофиқлиги;

маҳсулотни аризада келтирилган тўп ва ишлаб чиқарувчига таълуқлилиги текширилади.

Тўпни идентификация қилиш жараёнида илова хужжатларида келтирилган тўпни ҳажми, русуми, ўраб жойлаш тури ва бошқа маълумотлар қўшимча текширилади.

2-§. Намуналар танлаш ва синаш

17. Сертификатлаш чизмаларидан келиб чиқиб сериялаб ишлаб чиқариладиган, маҳсулотларнинг тўпи ёки бир дона маҳсулотнинг тур намуналарини синаш ва ўлчашларни кўзда тутувчи намуналарни танлашни сертификатлаштириш органи ёки унинг топшириғи билан синов лабораторияси (марказ) амалга ошириши мумкин.

18. Намуналарни танлаш:

сериялаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун – ишлаб чиқарувчининг тайёр маҳсулотлар омборида (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс), вақтинчалик сақлаш омбори, божхона омбори, юк ташиш воситаси сиғимида ёки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш линиясида;

маҳсулот тўпи учун – ишлаб чиқарувчи тайёр маҳсулот омборида (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс), вақтинча сақлаш омбори, божхона омбори ёки сақлашга олган жавобгар омборида, юк ташиш воситаси сиғимида ёки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш линиясида);

ягона (бир дона) маҳсулот учун – маҳсулотнинг жойлашган жойида (ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш участкасида, харид қилувчининг маҳсулотни монтаж қилиш жойида, вақтинча сақлаш омборида) ўтказилади.

3-§. Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш)нинг умумий тартиби

19. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, уларнинг компонентлари ва машиналар ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш)дан ўтказилиши шарт.

Мувофиқликни тасдиқлаш ушбу бобга мувофиқ амалга оширилади.

20. Ушбу техник регламент талабларининг 2-илоvasи 1-жадвалида кўрсатилган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзларининг йиғма ишлаб чиқариши учун ишлаб чиқарилган ёки қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаларини йиғма ишлаб чиқаришига етказиб бериладиган компонентлар учун мувофиқликни баҳолаш ўтказилмаслиги мумкин. Бунда, ушбу компонентлар учун қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчисида Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синов лабораторияси (маркази) томонидан берилган синов баённомалари, ёки 1958 йилги Битимга мувофиқ чиқарилган БМТ қоидаларига асосан турни тасдиқлаш тўғрисидаги расмийлаштирилган хабарномалар (кейинги ўринларда - турни тасдиқлаш хабарномалари деб юритилади) ёки ушбу техник регламент алоҳида талабларининг мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлиши керак.

Ёритиш ва сигнализация қурилмалари каби компонентлар учун ёруғлик чироқларининг турли функционал гуруҳлари учун битта мувофиқлик сертификати беришга рухсат берилади.

21. Олдин фойдаланишда бўлган ёки ишлаб чиқарувчиларнинг ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган машиналар, шунингдек, машиналарни таъмирлашга (техник хизмат кўрсатиш) ишлатиладиган машиналарнинг компонентлари ва эҳтиёт қисмлари ушбу Техник регламентнинг талабларига мувофиқлиги тасдиқланмайди.

22. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, уларнинг компонентлари ва машиналар мувофиқлигини тасдиқлаш сертификатлаш шаклида қуйидаги схемаларда бажарилади:

1С схема, серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштиришда қўлланилади. Ушбу техник регламентнинг 3-боб 9-банди бажарилиш шарти билан, бунда аризачи, ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) ҳисобланади.

2С схема, ишлаб чиқарувчида сифат менежмент тизимларининг сертификати мавжуд бўлган серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун қўлланилади. Ушбу техник регламентнинг 3-боб 9-банди бажарилиш шарти билан, бунда аризачи, ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) ҳисобланади.

3С схема, маҳсулотлар тўпи учун қўлланилади. Бунда, аризачи, ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) ёки сотувчи (импорт қилувчи). Маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келгунга қадар мазкур схема орқали сертификатлаштириш мумкин. Бунда, сертификатлаштирилаётган маҳсулотнинг танлаб олинган намуналари ва уларни сертификатлаштириш органига етказиб беришга, аризачи масъул ҳисобланади.

4С схема, ягона (битта) буюм учун, техник регламентда белгиланган тадқиқот (синов) ва ўлчовларни ўтказиш жараёнида ушбу буюмга путур етказилмаса, қўлланилади. Бунда, аризачи, ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) ёки сотувчи (импорт қилувчи).

23. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, уларнинг компонентлари ва машиналарни сертификатлаш Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган сертификатлаштириш органи (мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш)) томонидан амалга оширилади.

Сертификатлаш учун синовлар Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синов лабораторияси (маркази) томонидан амалга оширилади.

БМТ қоидаларига мувофиқ қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, уларнинг компонентларини хавфсизлик талабларига нисбатан сертификатлаштиришда турни тасдиқлаш хабарномаларини қўллашга йўл қўйилади.

24. Сертификатлаштиришда ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс), импорт қилувчи сертификатлаштириш органига (мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш)) ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этиши лозим:

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситасини меъёрий ҳужжати (транспорт воситасини сертификатлашда);

бутун компонент учун техник ҳужжатлар (конструкторлик, технологик ёки операцион ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса)) (компонентларни сертификатлаш учун);

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаси учун фойдаланиш ҳужжатлари;

сифат менежменти тизимининг мувофиқлик сертификати нусхаси (2с-схема);

сифат менежменти тизимининг сўнгги аудити ҳисоботининг нусхаси (2с-схема);

Четдан келтириладиган маҳсулотни сертификатлаштиришда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

ишлаб чиқариладиган маҳсулотга меъёрий ҳужжат нусхаси (амалда бор бўлган тақдирда);

маҳсулот ёрлиғидан намуна ёки маҳсулот тўғрисида маълумот;

маҳсулотда қўлланилган ИМОга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи тегишли объект рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги муҳофаза ҳужжати (гувоҳнома, патент ёки уларга илова) нусхаси ёки ундан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси нусхаси (амалда бор бўлган тақдирда);

маҳсулотнинг Ўзбекистон Республикаси божхонаси ҳудудига келганлиги тўғрисидаги белги қўйилган товарга қўшиб жўнатиладиган ҳужжат нусхаси (товар-транспорт юк хати, инвойс, ҳисоб-фактура);

Сертификатлаштириш ҳужжатлари тўпламига қуйидагилар ҳам кириши мумкин:

а) Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синов лабораторияси (маркази) томонидан ушбу техник регламент талабларига 2-

иловаси 1-жадвалига (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалар, уларнинг компонентларига) қўйиладиган талабларга мувофиқ индивидуал талаблар бўйича берилган синов баённомалари.

Ушбу синов баённомаларини, шу жумладан, илгари бошқа мувофиқлик сертификатлари берилган баённомаларни тақдим этишга қўйидаги шартлар билан рухсат берилади:

синов баённомаси Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синов лабораторияси (маркази) томонидан тасдиқланган кундан бошлаб 5 йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса;

тақдим этилган синов баённомаси қонунчиликка мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилмаган;

синов учун намуналарни танлаш, унинг натижалари бўйича сертификатлаштириш органи томонидан синов баённомаси берилса;

синовдан ўтган намуна сертификатлаш учун эълон қилинган маҳсулотлар учун хос бўлса;

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаси ёки компонентлар конструкциясида уларнинг хавфсизлигига таъсир этувчи ўзгаришлар бўлмаса;

Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синов лабораторияси (маркази) томонидан синов баённомаси тасдиқланган кундан бошлаб, ушбу техник регламент талабларида ва синовлар доирасида амалга оширилган мувофиқликни баҳолашда белгиланган хавфсизлик талаблари ва уларни назорат қилиш усуллари (шу жумладан стандартларда ёки БМТ қоидаларида кўрсатилган) ўзгаришлар киритилмаган бўлса;

ишлаб чиқарувчи томонидан қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаси ёки компонентларни муомалага чиқаришда ушбу техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати (назорати) органи томонидан белгиланган ушбу техник регламент талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари мавжуд бўлмаса;

б) турни тасдиқлаш хабарномалари. Ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) томонидан турни тасдиқлаш хабарномаларининг қоғоздаги нусхаларини тақдим этишга рухсат берилади. Бунда, инглиз, француз ёки рус тилларида ёзилган тасдиқловчи хабарларни ўзбек тилига таржима қилиш талаб қилинмайди;

в) ушбу техник регламент талабларининг алоҳида талабларига мувофиқлик сертификатлари;

25. Машиналарнинг мувофиқлигини тасдиқлашда талабнома берувчи машиналар учун ушбу Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўпламини шакллантиради. Унга қуйидагилар киради:

хавфсизлик асосномаси;

техник хусусиятлари (агар мавжуд бўлса);

фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома);

мазкур Техник регламентнинг 3-боб 13-бандида кўрсатилган, талаблари шу машиналарга мувофиқ бўлиши керак бўлган стандартлар рўйхати (агар ишлаб чиқарувчи томонидан қўлланилса);

шартнома (етказиб бериш шартномаси) (тўп, битта буюм учун) ёки юк ҳужжатлари (партия, битта буюм учун);

ишлаб чиқарувчининг бошқарув тизимининг сертификати (агар мавжуд бўлса);

ўтказилган тадқиқотлар тўғрисида маълумот (агар мавжуд бўлса); ишлаб чиқарувчи, сотувчи, чет эл ишлаб чиқарувчиси ва (ёки) синов лабораториялари (марказлари) функцияларини бажарувчи шахс томонидан амалга ошириладиган машинанинг синов баённомалари (агар мавжуд бўлса);

материаллар ва бутловчи қисмларга мувофиқлик сертификатлари ёки уларнинг синов баённомалари (агар мавжуд бўлса);

хорижий сертификатлаш идораларидан олинган ушбу машиналар учун мувофиқлик сертификатлари (агар мавжуд бўлса);

машиналарнинг ушбу Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига (агар мавжуд бўлса) мувофиқлигини тўғридан-тўғри ёки билвосита тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

26. Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синов лабораторияси (маркази) томонидан берилган синов баённомалари ёки турни тасдиқлаш хабарномалари тақдим этилган талабларга нисбатан синовлар ўтказилмайди.

27. Сертификатлаштириш органи:

1) Мувофиқликни тасдиқлаш учун аризани кўриб чиқади ва сертификатлаш имконияти тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

тақдим этилган ҳужжатларнинг етарлиги ва уларни қўллаш мумкинлиги;

етишмаётган далилларни олиш учун синовларни ўтказиш зарурияти; ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш муддати ва зарурияти.

Агар мувофиқлиги БМТ қоидасида ушбу техник регламент талабларига 2-илоvasи 1-жадвалида келтирилган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари компонентлари учун турни тасдиқлаш хабарномалари далил сифатида тақдим этилса, сертификатлаштириш органи компонентларни идентификация қилгандан кейин ушбу банднинг 2-5 кичик бандларида кўрсатилган ишларни ўтказмасдан мувофиқ тақдим этилган турни тасдиқлаш хабари асосида ушбу банднинг 27.6 кичик бандига асосан мувофиқлик сертификатини расмийлаштириб беради. Мувофиқлик сертификатида сертификатлаштириш схемаси ўрнига "с" ҳарфи кўрсатилади;

2) Етишмаётган далилларни олиш учун:

намунани (намуналарни) танлайди ва ушбу техник регламент талабларининг 1-боб ва 3-бобда ўрнатилган белгиларга, ушбу техник регламентнинг 2-боб 3-моддасида ўрнатилган қоидалар, 24-25-бандларда кўрсатилган ҳужжатларга уларнинг тавсифлари белгиларининг мувофиқлигини белгилаш орқали маҳсулотларни идентификация қилади;

ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини синаш учун маҳсулотларнинг намунаси(лари) Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синов лабораторияси (маркази)га юборади.

3) Ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилади (1-схема). Ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилишда текшириш объектлари қуйидагилардир:

маҳсулотлар учун техник (лойиҳавий ва (ёки) конструкторлик, ва (ёки) технологик, ва (ёки) эксплуатациявий) ҳужжатлар;

муомалага чиқарилган маҳсулотларнинг ушбу техник регламент талаблари талабларига мувофиқлигига таъсир этувчи ишларни бажарувчи ходимларнинг малакаси;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси (ишлаб чиқарувчининг ҳудудида жойлашган ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган объектлар мажмуаси (ишлаб чиқариш бинолари, транспорт ва бошқалар));

дастгоҳлар (технологик жиҳозлар), шунингдек, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;

назорат, ўлчаш ва синов ускуналарини бошқариш;

маҳсулотнинг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун зарур бўлган ўлчов воситалари;

сертификатланаётган маҳсулотларнинг (хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар) хавфсизлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи сотиб олинган маҳсулотларнинг кириш назорати;

ушбу техник регламент талабларида мажбурий талаблар белгиланган тавсифларни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган тайёр маҳсулотларни қабул қилиш назорати ва даврий синовлари;

тайёр маҳсулотларни маркалаш, уларни сақлаш, қадоқлаш ва сақлаш шартлари;

истеъмолчилар билан ўзаро ҳамкорлик (шу жумладан, маълум бир ишлаб чиқарувчининг маҳсулотларига шикоят ва шикоятларни кўриб чиқиш);

корректировкалаш ва олдиндан огоҳлантириш тадбирлари.

4) Сертификатланаётган маҳсулотларни барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун сертификатланган ишлаб чиқариш сифатини бошқариш тизимининг ёки компонентларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш қобилиятини ушбу техник регламент талабларига жавоб беришини (2с-схема) баҳолайди.

5) 27-банднинг 1-4-кичик бандларга ва танланган сертификатлаштириш схемасига мувофиқ амалга оширилган сертификатлаштириш ишлари натижаларини умумлаштиради;

6) Ўтказилган таҳлилнинг ижобий натижаларида маҳсулотни сертификатлаштириш органи маҳсулотга мувофиқлик сертификатини қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштиради.

Мувофиқлик сертификати:

четдан келтирилган маҳсулотга — маҳсулотнинг яроқлилик ёки кафолат муддатига;

битта ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида четдан келтирилган маҳсулотга — маҳсулотнинг ҳажми ёки сонини кўрсатган ҳолда шартноманинг амал қилиш муддатига, лекин сертификат олинган санадан уч календар йилидан ошмаган муддатга;

серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотга эса — **уч йил** муддатга расмийлаштирилади.

Бунда, серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиш даврида

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сертификатланган деб ҳисобланади ва қайта сертификатлаштирилмайди.

Маҳсулот сертификатлаштирилганлигини тасдиқловчи асос сифатида мувофиқлик белгиси ва маҳсулотга қўшиб юбориладиган ва эксплуатация ҳужжатлардаги ишлаб чиқариш санаси хизмат қилади.

28. Ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) ёки сотувчи:

1) Ушбу техник регламент талабларининг 5-бобида назарда тутилган ҳолларда, бозорда маҳсулот айланишининг ягона белгиси билан маркалашни таъминлайди;

2) Ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлашни тугатгандан сўнг, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, уларнинг компонентлар ва машиналар учун ҳужжатлар тўплами шакллантирилади, уларга қуйидагилар киради:

24- ва 25-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар;

27-банднинг 2-кичик бандида назарда тутилган ҳолларда синов баённома(лар)и;

сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган ҳолларда ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш натижалари;

мувофиқлик сертификати.

29. Сертификатлаштирилган маҳсулотларни даврий баҳолаш, агар бу сертификатлаштириш схемасида (1С-схема) назарда тутилган бўлса, маҳсулотга мувофиқлик сертификати расмийлаштирган маҳсулотларни сертификатлаштириш органи томонидан сертификатнинг тўлиқ амал қилиш муддатида қуйидаги усулларнинг бир ёки бир нечтасида амалга оширилади:

а) сертификатлаштирилган маҳсулот намуна (нусха)ларини идентификациялаш, синов ва ўлчашларини ўтказиш;

б) ишлаб чиқаришни баҳолаш.

Биринчи даврий баҳолаш маҳсулотлар сертификатлаштирилган санасидан кейин ўн икки ойдан кечикмай ўтказилади. Кейинги даврий баҳолаш ҳар йили сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган даврий баҳолаш режа-жадвалига мувофиқ даврий, бироқ аввалги даврий баҳолаш ўтказилган вақтдан бошлаб ўн икки ойдан кечикмай ўтказилади.

30. Ишлаб чиқарувчида менежмент тизими мавжуд бўлиши назарда тутилдиган сертификатлаш схемалари (2С-схема) учун сертификатлаштирилган маҳсулотни даврий баҳолаш, сертификатлаштириш

органи томонидан сертификатлаштирилган маҳсулот намуна (нусха)ларида синов ва ўлчашларни ўтказиш орқали амалга оширилади.

31. Турни тасдиқлаш хабарномалари асосида сертификатлаштирилган компонентларни даврий баҳолаш 1958 йилги Келишув давлат-аъзоларининг ваколатли техник хизматлари томонидан ўтказилган ишлаб чиқаришнинг мувофиқлигини баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш ва (ёки) компонентларни синаш йўли билан сертификатлаштириш органи томонидан амалга оширилади;

32. Сертификатлаштирилган маҳсулотларни даврий баҳолаш маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари томонидан аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази)ни жалб қилинган ҳолда (зарур ҳолларда) амалга оширилади.

33. Мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган маҳсулотнинг конструкцияси (таркиби)га ёки уни ишлаб чиқариш технологиясига, маҳсулот техник регламент талабларига мувофиқлигига таъсир қилиши мумкин бўлган ўзгартиришлар киритилганда, аризачи ушбу маҳсулот муомалага чиқарилишидан олдин мувофиқлик сертификати расмийлаштирган маҳсулотни сертификатлаштириш органига маҳсулот конструкцияси (таркиби) ёки ишлаб чиқариш технологиясига киритилган ўзгартишларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма равишда маълум қилади.

Маҳсулотларни сертификатлаштириш органи аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида белгиланган хабарнома олинган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида маҳсулот намуна (нусха)лари синов ва ўлчашларини ўтказиш ва (ёки) ишлаб чиқаришни баҳолаш зарурлиги тўғрисида (бундай маҳсулотлар учун ишлаб чиқаришни баҳолаш сертификатлаш схемасида назарда тутилган бўлса) ёки бундай эҳтиёж йўқлиги бўйича қарор қабул қилади.

Маҳсулотларни сертификатлаштириш органининг қарори аризачига бевосита ёки электрон почта орқали юборилади.

34. Агар маҳсулотларни сертификатлаштириш органи маҳсулот намуна (нусха)лари ва (ёки) ишлаб чиқаришни баҳолаш учун синов ва ўлчашларни ўтказишга зарурият йўқлигини тўғрисида қарор қабул қилса, аризачи бундай қарорни олгандан кейингина конструкцияси (таркиби) ёки ишлаб чиқариш технологиясига ўзгартиришлар киритилган маҳсулотларни муомалага чиқаришга рухсат этилади.

35. Агар маҳсулотларни сертификатлаштириш органи маҳсулот намуна (нусха)ларини синов ва ўлчашлари ва (ёки) ишлаб чиқаришни баҳолаш (ишлаб чиқаришни баҳолаш бундай маҳсулотлар учун сертификатлаш схемасида назарда тутилган бўлса) зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинса, бу ишларни амалга ошириш учун аризачи ва

маҳсулотларни сертификатлаштириш органи ўртасида шартнома тузилади (илгари тузилган шартнома бўлмаган ҳолда).

Амалга оширилган ишлар натижалари бўйича маҳсулотларни сертификатлаштириш органи маҳсулот техник регламент талабларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарор аризачига бевосита ёки электрон почта орқали юборилади.

Маҳсулотнинг техник регламентда белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги қарорда маҳсулотларни сертификатлаштириш органи ушбу маҳсулотни амалдаги мувофиқлик сертификати асосида муомалага чиқариш мумкинлиги ҳақида хабардор қилади.

Маҳсулотнинг техник регламент талабларига номувофиқлиги тўғрисидаги қарорда, маҳсулотларни сертификатлаштириш органи маҳсулотни амалдаги мувофиқлик сертификати асосида муомалага чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисида хабардор қилади ва ариза берувчи маҳсулотни сертификатлаштириш органи билан келишилган муддатларда тузатиш чораларини кўргунга қадар ушбу сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туради.

36. Агар ариза берувчи тузатиш чораларини белгиланган муддатларда ўтказмаса, маҳсулотларни сертификатлаштириш органи маҳсулотнинг мувофиқлик сертификатини бекор қилишга қарор қилади. Қарор аризачига бевосита ёки электрон почта орқали юборилади.

37. Маҳсулотларни сертификатлаштириш органи томонидан ушбу модданинг 34– 36-бандларида назарда тутилган фаолият натижалари асосида берилган ҳужжатлар, далилий ашёлар тўпламига киритилади ва ариза берувчи томонидан давлат назорат органларига (талабига биноан) ҳамда республика қонунчилигига мувофиқ бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этилади.

38. 1С ёки 2С схемалари бўйича транспорт воситаларини сертификатлаш учун ариза берувчи сифатида қатнашган ва мувофиқликни баҳолаш тартиби тугагандан сўнг 28-банднинг б)-кичик банди талабларига мувофиқ тузилган транспорт воситалари учун ҳужжатлар тўпламига эга бўлган ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс), транспорт воситалари учун мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаштириш органига ўзи томонидан ишлаб чиқарилган транспорт воситалари сертификатлашнинг ижобий натижалари асосида ушбу техник регламент талабларининг 2-илоvasи 1-жадвалда келтирилган компонентларга мувофиқлик сертификатини олиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Транспорт воситаларига сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш учун алмаштириш (эҳтиёт) қисмлари сифатида етказиб бериладиган компонентларга мувофиқлик сертификати транспорт воситаларининг ушбу

техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш натижаларига кўра, қуйидаги шартларда берилиши мумкин:

транспорт воситаларини йиғиш усулида ишлаб чиқаришга етказиб бериладиган компонентлар ва транспорт воситаларига сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш учун етказиб бериладиган компонентларнинг бир хиллиги (транспорт воситаларнинг техник таърифида тегишли маълумотларнинг мавжудлиги);

транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчиси (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) томонидан захира (эҳтиёт) қисмлар сифатида тақдим этилган компонентлар тегишли транспорт воситаларини йиғиш учун етказиб берилган ёки етказиб берилаётган компонентлар билан бир хил эканлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этилганда.

Транспорт воситаларини ишлаб чиқариш тўхтатилганда ва шунга мос равишда транспорт воситаси учун мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тугаган тақдирда, транспорт воситаси ишлаб чиқарувчиси (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) транспорт воситаси учун ўзи томонидан ишлаб чиқарилган ва захира (эҳтиёт) қисмлар сифатида етказиб бериладиган компонентларга мувофиқлик сертификати олиш учун ариза берилиши мумкин, яроқлилиқ муддати 5 йилдан кўп бўлмаган, серияли ишлаб чиқарилган компонентлар учун (компонентлар партияси (донавий маҳсулот) учун амал қилиш муддати белгиланмайди бунда мувофиқлик сертификатида маҳсулот партиясининг ўзига хос хусусиятлари, идентификация рақамлари, жўнатиш ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар кўрсатилади. Кўрсатилган компонентларга мувофиқлик сертификати транспорт воситасининг божхона ҳудудида муомалага чиқарилиши тугаш вақтида амалдаги талабларга мувофиқ, сертификатлаштириш органи томонидан амалга ошириладиган компонентларни ишлаб чиқариш ҳолати таҳлилининг ижобий натижаси бўлган тақдирда берилиши мумкин.

39. 28-банднинг “б” кичик банди талабларига мувофиқ тузилган транспорт воситалари ёки бутловчи қисмлар учун ҳужжатлар тўплами қуйидаги муддатда сақланиши керак:

серияли ишлаб чиқарилган транспорт воситалари ёки компонентлар учун - ушбу транспорт воситалари ёки компонентлар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган (ишлаб чиқариш тўхтатилган) санадан бошлаб камида 10 йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб чиқарувчида (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахсда);

транспорт воситалари ёки компонентлар партияси учун - партиядан охириги маҳсулот сотилган санадан бошлаб 10 йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб чиқарувчида (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахсда) ёки сотувчида.

4-§. Мувофиқликни тасдиқлаш мақсадида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) кодлари асосида берилган синов баённомаларини тан олиш

40. Ушбу техник регламентнинг 4-илоvasида келтирилган Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) кодлари асосида берилган синов баённомалари аккредитацияланган синов лабораториялари томонидан берилган синов баённомаларига муқобил сифатида тан олиниши керак.

5-боб. Миллий мувофиқлик белгиси билан тамғалаш

41. Ушбу Техник регламентнинг 4-бобида асосан ушбу Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига жавоб берадиган ва мувофиқликни баҳолаш тартибидан ўтган маҳсулотлар миллий мувофиқлик белгиси билан белгиланиши керак.

42. Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларни миллий мувофиқлик белгиси билан тамғалаш маҳсулотлар бозорда муомалага чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

43. Ўзбекистон Республикаси бозоридаги маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгиси транспорт воситаси, машинанинг ҳар бир миқдорига маҳсулотнинг бутун ишлаш муддати давомида аниқ ва равшан тасвирни таъминлайдиган ҳар қандай усулда қўлланилади, шунингдек уларнинг фойдаланиш ҳужжатларига ҳам киритилади.

Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгиси маҳсулотнинг ўзига нисбатан қўлланилади.

44. Компонентларни тамғалашда бозорда маҳсулотнинг миллий мувофиқлик белгиси тўғридан-тўғри ҳар бир компонентга (техник жиҳатдан мумкин бўлса) ва қадокда ёзилиши, шунингдек, унга илова қилинган фойдаланиш ҳужжатларида кўрсатилиши керак.

45. Транспорт воситалари, уларнинг компонентлари ва машиналар Ўзбекистон Республикасининг барча техник регламентлари талабларига мос келса ва Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг миллий

мувофиқлик белгиси қўлланилишини назарда тутса, Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгиси билан белгиланади.

6-боб. Ўтиш даври

46. Ушбу Техник регламент кучга кирган пайдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар улар ушбу Техник регламентга мувофиқ келтирилгунга қадар транспорт воситалари, уларнинг компонентлари ва машиналар хавфсизлигига ўрнатилган талабларни Техник регламентга зид бўлмаган қисми бўйича қўлланилади. Мазкур Техник регламент кучга киришидан олдин Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаш тизимида белгиланган қоидалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбурий мувофиқлик баҳоланиши лозим бўлган транспорт воситалари, уларнинг компонентлари ва машиналарга қўлланилади. Техник регламентнинг кучга киришидан олдин олинган мувофиқлик сертификатлари ушбу ҳужжатларда белгиланган муддат давомида амал қилишда давом этади.

7-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати

47. Муоамалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари, уларнинг компонентлари ва машиналарга ушбу Техник регламент билан белгиланган талабларга риоя қилиш бўйича давлат назорати Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази, шунингдек, бошқа махсус ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

48. Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.